

## Тазкия дарслари (149-дарс). Фосиқ жамиятга зарарли инсондир



17:30 / 14.08.2021 4683

1. Фосиқлик ҳаром. Ундан наҳйи қилинган, яъни у Ислом динида буткул тақиқланган. Фосиқ шахс гуноҳкор бўлади, фисқиға қараб жазога тортилади ва таъзир берилади.
2. Ҳанбалий мазҳаби бўйича, фосиқ имом бўлиб намозга ўтиши мумкин эмас.
3. Фосиқ ҳадис ривоят қилиш ҳаққиға эга эмас.
4. Фосиқнинг гувоҳлиги қабул қилинмайди.

5. Фосиқнинг фатвоси қабул қилинмайди.
6. Фосиқ кимса болани ўз қарамоғига олиши мумкин эмас.
7. Фосиқ кимса шофеъий ва ҳанбалий мазҳаблари бўйича, никоҳда валий бўла олмайди.
8. Фосиқни фисқи учун ўзига яқин олиб бўлмайди.
9. Фосиқни ғийбат қилиш жоиздир.
10. Фосиқнинг тавбаси, агар барча шартларни юзага чиқарса, қабул бўлади.

Фосиқликнинг зарарлари:

1. Фосиқлик Аллоҳ таолонинг, Унинг Расулининг ва мўминларнинг ғазабини жалб қиладиган нарсадир.
2. Гоҳида фосиқлик мусулмончиликдан чиқариши ҳам мумкин.
3. Фосиқ жамиятга зарарли инсондир.
4. Фосиқлик мунофиқликка, у эса дўзахга олиб боради.
5. Фосиқлик тарқалган жамият парчаланаяди.

Мўмин банда фосиқликнинг ҳар бир кўринишидан ўзини олиб қочиши, бу нарсанинг зарарларини ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги керак. Мабодо билиб-билмай баъзи фисқ ишларни содир этган бўлса, дарҳол тавбага шошилиши лозим.

**«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди**